

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ
ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

СИДДИҚОВ ПАТХИЛЛО

**МИЛЛИЙ АВРЛИ ГАЗЛАМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Сиддиқов Патхилло Миллий аврли газламаларни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ва параметрларини муқобиллаштириш.....	3
Сиддиқов Патхилло Оптимизация технологических процессов и параметров при изготовлении национальных авровых тканей	27
SiddikovPatkhillo Optimization of the technological processes and parameters for manufacture of the national avrova fabrics.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	54

**ТОШКЕНТ ТЎҶИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ
ТЎҶИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

СИДДИҚОВ ПАТХИЛЛО

**МИЛЛИЙ АВРЛИ ГАЗЛАМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

3

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.1.DSc/T56 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасининг www.titli.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziynet.uz
манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

**Расмий
оппонентлар:**

**Етакчи
ташкилот:
Мавлонов Тўлқин Мавлонович
техника фанлари доктори, профессор**

Худойбердиева Дилфуза

Бахрамовна техника фанлари
доктори

техника фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон табиий тоғлар илмий

Холиков Қурбонали Мадаминovich тадқиқот институти
техника фанлари доктори

Эргашов Махаматрасул

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг «29» сентябрь 2017 й. соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон -5, тел. (+99871)253-06-06, 253-08-08. факс: 253-36-17; e-mail: titlp info@edu.uz ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел.(+99871) -253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2017 йил «16» сентябрда тарқатилди.

(2017 йил «16» сентябрдаги 12 рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З. Маматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Тошпулатов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

4

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ассортиментининг турлари кенгаймоқда ҳамда уларга қўйилаётган талаб ҳам жадал суратларда ошиб бормоқда. «Дунё тўқимачилик бозорида газламаларни ишлаб чиқариш йилига 120 млрд. м² ни ташкил этади»¹. Жаҳон бозорида газламаларга рақобатнинг юқори даражадалиги, замонавий такомиллашган технологиялар, тўқима турларини тез ўзгартириш имконини берадиган ускуналарнинг яратилиши, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар олинишининг зарурлиги ҳамда миллий газламалар сифатини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган чет эл мамлакатлари – Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия ҳамда Ўзбекистон каби давлатларда тўқималар ишлаб чиқаришда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш

самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усуллари такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида технологик жараёнларни меъёрлаштириш, янги тузилишдаги тўқималарни яратиш, самарали технологик ускуналарни жорий қилиш бўйича кўрилатган тадбирлар ҳисобига тўқиманинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши, тўқима ишлаб чиқариш сарфларини камайиши таъминланади. Шу сабабли аврли газламалар ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари параметрларини муқобиллаштириш ҳамда истеъмол сифатини яхшилаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг «Хан-атлас», «Адрас», «Бекасам», «Банорас» матоларни ишлаб чиқарувчи корхоналарида маҳсулотни истеъмол хусусиятларини яхшилашга олиб келадиган танда ипларини тўқишга таёрлаш, тўқиш жараёнларини юқори самарадорликка эга бўлган технологияларини яратишга оид кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан аврли газламалар ишлаб чиқариш корхоналарида танда ипларни тўқувчиликка тайёрлаш, тўқиш жараёнларида қўлланиладиган ускуналарни такомиллаштириш, меъёрий технологик параметрларни ишлаб чиқиш ва сифатли тўқима олиш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали тўқимачилик саноатини янада модернизация қилиш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

¹International Trade Centre, <http://www.export.by/act>, <http://worldofschool.ru>.2016.

Жаҳон амалиётида тўқувчиликка танда ипларини тайёрлаш, тўқиш жараёнларининг тўқима сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этадиган меъёрий технологик параметрларни ишлаб чиқишнинг янги техника ва технологияларни яратиш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада аврли газламалар танда ипларини либитлаб-тандалаш жараёнида ипларни барабанда жойлашиш қонуниятлари бўйича илмий асосларни яратиш, аврбанд, тўқув жараёнини меъёрий тахтлаш параметрларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош юқори сифат кўрсаткичларга эга бўлган матони ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация

қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннарини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Технологик жараёнларнинг меъёрий тахтлаш параметрлари, ҳар хил ўрилишдаги тўқималар тузилиши ва хусусиятлари, тўқималарнинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Colifornia Institute of Texnology, School of Materials Science and Engineering at the Georgia Institute of Technology (АҚШ), Department of Textiles, Royal College of Art (Буюк британия), Texnishe Universitat Drezden, Technische Universitat Munchen, Institut fur Textilmaschinen und Textile Hochleistungs werkstofftechnik (Германия), China Textile Academy, Departmen tof Textile Engineering (Хитой), Москва Давлат тўқимачилик университети (Россия), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.chnnawarpingmachine.com, www.zaurer.com; www.t-tecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, <http://www.benningergroup.com>; www.somet.it, www.picanol.bi, <http://www/toyoda.com>, www.bstzjx.com., International journal of applied and fundamental research ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Замон талабига мос келадиган тўқималарни ишлаб чиқариш ва янги турларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: «GA1280C», «TTS10S», «AUTOCONER9» тизимидаги мослашувчан технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган тизимлари ишлаб чиқилган (Center of Shanghai JiaJing Machinery, Хитой; Danbartex, АҚШ; Schlafhorst Zweigniederlassung der Saurer, Германия); ипларни ишқаланишга чидамлилигини оширадиган кенг технологик имкониятларга эга бўлган такомиллашган тандалаш-оҳорлаш «HFZJ800» агрегатлари ишлаб чиқилган (The Department of Foreign Trade,

Хитой; Fabrikstrasse, Швейцария); газламалар тузилишини ва нақшини тез ўзгартира оладиган тўқув дастгоҳлари (Somet, Италия; Picanol, Бельгия) яратилган.

Дунёда тўқималарнинг тузилиши ва хусусиятларини яхшилаш, автоматлашгантехнологик жараёнларини яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тўқималарни гигиеник хусусиятларга эга бўлган янги авлодини ишлаб чиқиш; сифат кўрсаткичларини олдиндан башорат қиладиган экологик тоза матоларни яратиш; матоларни ишлаб чиқариш жараёнида технологик параметрларни назорат қилувчи қурилмаларни яратиш; танда ипларини тўқувчиликга тайёрлашни такомиллаштирилган комплекс технологияларини яратиш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда пахта ва бошқа иплардан турли ўрилишли тўқималарни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини такомиллаштириш, параметрларини меъёрлаштириш, тузилишини, эксплуатацион хусусиятлари ва ташқи кўринишини яхшилашга, турли ўрилишдаги газламаларни олиш технологиясига боғлиқ масалалар бир қатор олимлар (L.Simon, N.Hubner, O.Talavashek, B.Svaty, J.Szosland, W.Morton, J.D.Wilson, M.Hammersley, J.Hearle) ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ҳар хил тузилишли тўқималарни олиш технологияси ва уларнинг параметрларини меъёрлаштиришга оид назарий методологик асослари ривожланишига оид фундаментал ишлар П.В.Власов, В.А.Гордеев, С.Д.Николаев, А.А.Мартынова, Э.А.Оников, Э.Ш.Алимбаев, А.Ишматов, Х.А.Алимова, М.М.Муқимов, Т.М.Мавлонов, А.Д.Даминов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва ижобий натижаларга эришилган.

Аврли газламалар ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожини ўрганиш шуни кўрсатдики, айнан танда ипларининг узилишини камайтирувчи ва «Налёжка» нуқсонини бартараф этувчи, тўқима хусусиятларини олдиндан башорат қилиш имкониятларини берувчи усуллари яратилса, бу тўқималар албатта истикболли бўлади. Миллий матоларни ишлаб чиқариш технологияси ва параметрларини меъёрлаштириш борасида илмий изланишлар деярли олиб борилмаган. Ҳозирги кунгача айрим технологик жараёнларни назарий ва амалий масалалари ечилмаган. Аврбанд жараёнида либитни боғловчи авр

7

ипининг таранглиги ҳар хил бўлганлиги оқибатида тўқимада «Налёжка» нуқсони содир бўлмоқда, бу эса тўқимани сифатини пасайтирмоқда. Шунингдек, тўқимани дастгоҳда тўқишда иплар таранглигининг нотекислиги, кўплаб узилишларга олиб келмоқда. Шу сабабли аврли газламаларнинг технологик жараёнларини ва параметрларини ишлаб чиқиш, бозор иқтисоди шароитига жавоб берадиган миллий матоларни янги турларини яратиш, уларнинг сифат кўрсаткичларини оширишга оид илмий тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим

муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг II-ИТД-3 «Миллий кўйлакбоп тўқималартехнология-сини ишлаб чиқиш ва ассортиментини кенгайтириш» (2014 й.); А-3-021 «Табиий ипакдан креп газламаларни янги турларини ва уларни ишлаб чиқариш юқори самарадор ресурстежамкор технологияларини яратиш» мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий аврли газламаларни олиш технологияси ва параметрларини ишлаб чиқиш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва янги ассортимент турларини яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд миллий аврли газламаларни ишлаб чиқариш технологиясини ўзига хос томонларини таҳлил қилиш ва тўқувчиликда иплар таранглигининг ҳар хиллиги, узилишини юқори бўлиш сабабларини аниқлаш;

либитлаб тандалашда ўрам параметрларини иплар таранглигини тенглаштириш мақсадида аниқлаш;

аврбанд жараёнида содир бўладиган «Налёжка» нуқсонини бартараф этилишини таъминловчи меъёрий технологик параметрлар ишлаб чиқиш; миллий аврли газламалар ассортиментини кенгайтиришга имкон берувчи янги тузилишли тўқималар туркумини яратиш;

тўқув дастгоҳида аврли газламалар танда ипларини узилишининг камайишини, сифати ошишини таъминлай оладиган меъёрий технологик тахтлаш параметрларни ишлаб чиқиш;

меъёрий омилларда ишлаб чиқарилган тўқималарни эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш;

корхона шароитида танда ипларининг узилиш даражасини камайиши эвазига тўқувчиликда иш унумдорлигини ортиши ва нуқсонларни бартараф этилиши натижасида тўқиманинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектисифатида либитлаб тандалаш машинаси, тандалаш барабани, иплар ўрами, аврбанд машинаси, танда ва арқоқ иплари, тўқув дастгоҳлари, «Хон-атлас», «Адрас», «Беқасам» турдаги миллий аврли газламалар қаралади.

Тадқиқотнинг предмети технологик жараёнларнинг параметрлари, хомуза ҳосил қилишда ипларнинг турлича деформацияланиши,

8

эксплуатацион хусусиятлари ва янги аврли газламаларни яратиш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий механика, эгилувчан ип механикаси, тўқимачилик материалшунослиги, математик статистика ва амалий математика усуллари, компьютер дастурий таъминотларидан фойдаланилган ҳамда «CENTEXUZ» сертификация лабораториясининг замонавий асбоблари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқув дастгоҳида аврли газламаларни ишлаб чиқариш жараёнида танда иплари таранглигининг нотекис, узилишининг юқори бўлиши сабаби, либит эни бўйича ипларининг таранглиги ҳар хил эканлиги аниқланган;

берилган хусусиятлар ва тузилишга эга бўлган аврли газламани ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган;

тандалаш барабанига ўралган иплар ўрами кесимининг геометрик шакли амалий жиҳатдан асосланган ва ўрам ҳажмини аналитик ҳисоби ишлаб чиқилган;

либит иплари таранглигини мутаносиблаштира оладиган либитлаб тандалаш барабани яратилган;

либитни боғлашда авр ипининг таранглигини ўрнатилган ҳолатда таъминлайдиган мослама ишлаб чиқилган ва иплар таранглиги қийматини электрон тарзда қайд этиб турувчи қурилма яратилган.

янги тузилишли аврли газламалар олишнинг тукли тўқималар ва трикотаж усуллари ишлаб чиқилган;

«Хон-атлас» газламани тўқувчилик жараёнида иплар узилишини камайтиришга имкон берадиган оптимал технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: либитлаб тандалаш машинасининг янги конструкцияси яратилган ва унинг меъёрий тахтлаш параметрлари ишлаб чиқилган;

янги турдаги ва тузилишга эга бўлган «Аврли Беқасам» ва «Тукли аврли газлама» ишлаб чиқилган;

аврли газламалар сифатини ошишига олиб келадиган тўқув дастгоҳининг меъёрий технологик тахтлаш параметрлари ишлаб чиқилган; гамма радиоактив нурларини синдириш ёрдамида аврли газламаларни эксплуатация хусусиятларини ошириш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари нинг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлилига кўра изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти либитлаб-тандалаш барабанига ўралган ўрамнинг геометрик шаклини аниқлаш усули ишлаб чиқилган, тандалаш

барабанидаги ўрам ҳажми ҳамда аврбанд машинасида либитни боғлаш жараёнида авр ипининг таранглиги ва ўрамнинг нисбий зичлиги аналитик усулда аниқланган, тўқув дастгоҳининг технологик параметрларини танда ипларининг узилишига боғликлигини акс эттирувчи математик модел ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иплар таранглигини тенглаштирадиган, тўқима сифатини оширишга олиб келадиган, либитлаб – тандалаш машинасининг янги конструкцияси ва унинг меъёрий тахтлаш параметрлари ишлаб чиқилгани, аврбанд жараёнида тўқимадаги ранг кириб кетиш нуқсонини бартараф этилганлиги, янги тузилишдаги «Беқасам» ва тукли аврли тўқималар миллий газламалар ассортиментини кенгайтиргани, гамма радиоактив нурларини тўқимага сингдирилиши ипак ипларидан ташкил топган газламаларни эксплуатация муддатини оширганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий аврли газламаларни технологик жараёнларини ва параметрларини муқобиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

берилган хусусиятлари ва тузилишига эга бўлган аврли газлама ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги «Ёдгорлик» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2016 йил 24 ноябрдаги ДМ-27-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланишимиллий аврли матолар сифатини яхшилаш ва янги турларини яратиш имконини берган;

танда ипларини ўраш учун яратилган либитлаб-тандалаш барабани «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги «Ёдгорлик» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2016 йил 24 ноябрдаги ДМ-27-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши танда ипларининг узилишини 33% га камайтиришга, тарангликни тенглаштириш ва тўқима сифатини оширишга эришилган;

либитни боғлашда авр ипининг таранглигини ўрнатилган ҳолатда таъминлаш учун ишлаб чиқилган мослама «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидаги «Оби-ҳаёт» кичик корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2016 йил 24 ноябрдаги ДМ-27-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши тўқимадаги ранг кириб кетиш нуқсонларини бартараф этиш ва тўқима сифатини 2,1% га оширишимкониятини берган;

аврли газлама тўқиш жараёнининг муқобиллашган технологик параметрлари «Ёдгорлик» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2016 йил 24 ноябрдаги ДМ-27-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши ишлабчиқариш ҳажмини 12% га ошириш ва бўйланма чизиқлар ҳосил бўлиши нуқсонларини бартараф этиш имконияти яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан, 4 та халқаро ва 16та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 42 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (11 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 5 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг ҳолати, тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларининг таҳлили хусусан, аврли газламаларни ишлаб чиқариш технологиясини муқобиллаштириш, уларнинг тузилишини ва физик-механик хусусиятларини яхшилашга бағишланган кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини ўрганилганлиги келтирилган. Бу йўналишда кўпгина масалалар ижобий ҳал этилгани кўрсатиб ўтилган, турли вариантларда тўқималарни ишлаб чиқариш технологик параметрларини меъёрлаштириш усуллари ва тўқима сифатини ошириш учун мосламалар, ёрдамчи механизмлар тавсия этилган. Лекин олиб борилган тадқиқотларнинг барчаси асосан пахта ипидан ва бошқа иплардан тўқима олишга бағишланган. Аврли газламалар учун ипларни таёрлаш ва тўқиш жараёларининг ўзига хос специфик томонлари мавжуд.

Аврли газламаларга фақат Ўрта Осиёда ишлаб чиқариладиган «Хон атлас», «Адрас», «Беқасам», «Банорас» миллий тўқималар киради. Бундай тўқималарни тайёрлаш учун махсус ишлов берилган табиий ипак, арқоқ ипи учун ипак, пахта ипи ва сунъий вискоза ипи қўлланилади. Мавжуд корхоналар шароитида бир турдаги тўқимани олиш учун турли технологиялар қўлланилади. Аврли газламаларни ишлаб чиқаришда бошқа шунга ўхшаш тўқималарга нисбатан танда ипларининг узилиши 5 баробар кўплиги аниқланди.

Аврли газламаларнинг танда ипларини кўплаб узилишининг асосий сабабларидан бири, мавжуд конструкцияли либитлаб-тандалаш барабанидан олинаётган либитлардаги якка ипларнинг таранглиги нотекис эканлиги аниқланди.

аврли танда ипларини олишда унинг сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Аврбанд жараёнига бағишланган патент-лицензиялар ва адабиётлар таҳлили натижаси шуни кўрсатдики, асосий технологик параметрлар орасида либитларни боғловчи авр ипи таранглигининг назорати мавжуд эмас экан. Либитни боғлашда авр ипи таранглигининг турлича бўлиши оқибатида тўқимада «Налёжка» нуқсони содир бўлмоқда. Бу ҳолат аврбанд жараёни параметрларини меъёрлаштиришни талаб қилади.

Тўқималар тузилиши, иплар таранглигини созлаш ва технологик параметрларни муқобиллаштириш назариясига П.В.Власов, В.А.Гордеев, Ф.М.Розанов, С.Д.Николаев, Э.А.Оников, А.А.Мартинова, Б.Симон, Б.Святый, В.Мортон, Ж.Херле ва бошқа олимлар салмоқли ҳисса қўшган лар.Лекин мавжуд нашр этилган манбаларда ипларнинг таранглигини тўқима эни бўйлаб нотекислигини бартараф этиш борасида таклиф ва мулоҳазалар етарли даражада ёритилмаган, якка ипларнинг таранглигини ростлаш бўйича чет элларда олиб борилган ишлар фикримизча мукаммаллашмаган жиддий камчиликларга эга, шунинг учун амалда кенг жорий этилмаган. Шу сабабли, юқори сифатли рақобатбардош аврли тўқималарни олиш мақсадида танда ипларини тўқима эни бўйича тўқув дастгоҳида таранглигини созлаш уни меъёрлаштириш йўллари топиш зарур.

Умуман, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, миллий аврли газламаларни ишлаб чиқаришда, технологик жараёнларни ва параметрларини муқобиллаштириб, келтирилган муаммонинг тўлиқ ечимини топиш зарурияти ушбу илмий тадқиқот вазифаларини белгилаб беради.

Диссертациянинг **«Аврли газламаларни ишлаб чиқаришнинг бугунги кундаги ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида Ўрта Осиё Республикаларида ишлаб чиқарилаётган аврли газламаларнинг хом ашёси, чизиқий зичлиги ва уларнинг турларига бағишланган. Натижада қўлланилаётган хом ашё тури, ипларни чизиқий зичлиги бўйича аврли газламалар классификацияси ишлаб чиқилган.

«Хон-атлас», «Адрас» тўқималарини тайёрлашда ипак иплари узилишининг камайишига ва тўқима сифатини ошишига олиб келадиган муқобил технологик жараёнлар тавсия этилган.

Республикамизда ва чет эллардаги замонавий тандалаш машиналарида ипларни фақат гуруҳлаш ва пилталаш усулида тандалаш мумкин. Бундай усулларда танда ипларини либитларда олиш имконияти йўқ. Либитларни фақат махсус конструкцияли либитлаб-тандалаш машинасида олиш мумкин. Либитлаб-тандалашнинг ўзига хослиги шундаки, танда кам сондаги иплар (40-100 иплар) дан шаклланади ва улар либит деб аталади. Мавжуд либитлаб тандалаш машинасининг асосий камчилиги - барабан периметри бўйича ўралаётган якка ипларнинг узунлиги ҳархил ўрнатилганлигида. Барабан конструкциясининг такомиллашмагани оқибатида юқори қатлам ўрам четидаги иплар силжиб олдинги ўрам қатлами ёнига тушади, натижада

либитдаги ипларнинг таранглиги нотекислашади, бу вазият эса барабан конструкциясини такомиллаштиришни талаб этади


Тандалашдан сўнг танда ипларига аврбанд нақшини тушириш учун улар аврбанд жараёнидан ўтади. Аврбанд усулида танда ипига нақш ҳосил қилишда рассом тортиб қўйилган либитларга бўлажак нақш контури изларини суюлтирилган куяга ингичка таёқча учини ботириб чизиб чиқади.

Нақш контурини чизиш жараёнида барча либитлар таранглиги бир текис бўлиши керак. Акс ҳолда танда ипларидаги нақшлар силжийди. Рассом контур изларини туширганидан сўнг, аврбандчи дастур асосида либитларни участкаларини боғлаб чиқади. Боғлаш жараёнида либитларни боғловчи авр ипи маълум тарангликни тарангловчи асбобдан олади.

Либитларни боғланган жойларини бўяш жараёнида танда ипларига ранг кириб кетмаслиги керак. Лекин жуда кўп ҳолатларда ўралган ўрам нисбий зичлигининг нотекислиги оқибатида ранг кириб кетиб тўқимада «Налёжка» нуқсони содир бўлади.

Амалий тадқиқотлар асосида либитларни боғлашда қўлланиладиган тарангловчи асбобнинг тарангликни бир хилда таъминлай олмаслиги ўрнатилди. Тарангловчи асбобнинг конструкцияси такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертациянинг «**Либитлаб тандалаш асослари**» деб номланган учинчи бобида либитлаб тандалашнинг асослари келтирилган. Айни пайтда адабиётлар манбаларида мавжуд либитлаб-тандалаш барабанига ўралаётган ўрамнинг параметрлари аниқланмаган. Шу сабабли ушбу ишда тандалаш барабанига ўралган либит иплари ўрамнинг геометрик шакли назарий экспериментал тадқиқотлар асосида аниқланган (1-расм). Либит ўрами кесимининг шаклини асослаш учун, корхона шароитида ЛМ-3 либитлаб тандалаш машинасида қатор амалий тадқиқотлар олиб борилди. Ўрам параметрларини 0,01 аниқлик даражасидаги крон ўлчов асбоби КИ да лди. Либит ўрами ўралаётган барабан



А, К, В – сегмент;
АК, КВ – сегмент ёйи;
АКВ – ёй узунлиги;
АВ – хорда;
ОАКВО – сектор;
ОАВ – учбурчак;

КД, Ес, Им, h – ўрам баландлиги;
♦♦ – марказий бурчак;
r – сегмент радиуси.


1-расм. Либитлаб-тандалаш барабанига ўралган ўрам кесимининг ҳисоб чизмаси

кувурини с, D, м нуқталарига белгилар ўрнатилди. Либит иплари ўрами

энининг маркази D нуқтага, E ва И нуқталар эса АК ва КВ ёйларнинг ўртасига тўғри келади. Ўрам эни AD и DB нуқталарда, баландлиги KD, сЕ, мИ нуқталарда ўлчанган. Ҳар бир тажриба олти маротаба такрорланиб, ўртача қиймати ҳисоб жадвалига олинган. Статистик ўлчаш натижаларининг

13

хатолик даражаси уч фоиздан ошмаганини кўрсатди. Ипнинг ўрам кесимининг геометрик шаклини сегмент деб қабул қилиш мумкин. Сегмент майдони ва сектор, учбурчак, сегмент ёйи узунлиги аналитик аниқланди. Ўрам баландлиги $h = 0,2 \cdot a$ ни ташкил этади. Сўнгра либитдаги ип ўрамининг цилиндрик қисмидаги, яъни барабанни периметри бўйлаб эгаллаган майдони аниқланди (2-расм).



Барабанни ўқидан охирги либит қатлами

ўрамининг радиуси $R_1 = R +$

h . 1 - цилиндрик барабан;

2 –либит иплари ўрами;

R –барабан радиуси;

h –либит ўрами баландлиги;

a –либит ўрами эни.

2-расм. Цилиндрик шаклида барабанга ўралган либит иплари ўрамининг чизмаси

Барабаннинг цилиндрик қисмидаги либит иплари ўрами майдони $S_{б1}$ билан барабанни цилиндрик қисми $S_{б0}$ орасидаги фарқни аниқлаб, либит ўрами эгаллаган майдон $\Delta \diamond \diamond$ ни аниқлаймиз.

$$\Delta \diamond \diamond = 2 \diamond \diamond \cdot R \cdot h. (1)$$

«Қиймат $h^2 2 \diamond \diamond R$, шунинг учун

Барабандаги ўрам ҳажмини

≈ ҳисоблаш мумкин, $h^2 0$.

аниқлаймиз:


$$V = 4R \cdot a \cdot h. (2)$$

Олдинги бобда айтиб ўтилганидек, мавжуд тандалаш машиналарининг жиддий камчилиги мавжуд, тандалаш барабанининг такомиллашмагани оқибатида ипларни тандалаш жараёнида таранглиги бир текис эмаслиги, тўқима сифатини пасайишига олиб келган.

Ушбу бобда модернизациялашган конструкцияли либитлаб-тандалаш барабани (UZ FAP 00651) ва шу машинани яратилган модели, тандалаш жараёни параметрларини амалий тадқиқ қилиш учун келтирилган. Мавжуд тандалаш барабанида либитдаги иплар ўрамнинг ҳарбир қатламида нотекис жойлашади (3-расм, а) янгисида эса (3-расм, б) барабандаги либит ўрами жойлашадиган махсус ўйик жойнинг ҳисобига текислашади.

Мавжуд ва модернизациялашган конструкцияли тандалаш барабанидан олинган либит иплари узунлигини ўлчаш натижалари, иплар узунлигини нотекислиги мавжуд машинада юқори. Бундай нотекислик ипларнинг узилишига, тўқиманинг сифатини пасайишига олиб келади. Шунинг учун либит эни бўйича иплар таранглиги нотекислигини модернизациялашган

конструкцияли либитлаб-тандалаш барабанини қўллаб, текислаш мумкин.



14

3 -расм. Либитдаги ипларнинг жойлашиши: а) мавжуд ва б) янги конструкцияли тандалаш барабанида


Янги ва мавжуд конструкцияли тандалаш барабанига ўралган иплар ўрамини ҳажми, оғирлиги ва нисбий зичлигини ҳисоби шуни кўсатадики, тажрибадаги вариантда нисбий зичлик ошади, ипларни эгаллаган майдони эса камаяди, оғирлиги бир хилда қолади.

Шундай қилиб, тўқувчиликда танда ипларининг таранглиги тўқиманинг эни бўйича модернизациялашган конструкцияли тандалаш барабанини қўллаш ҳисобига текислашади.

Олиб борилган назарий-экспериментал тадқиқотлар асосида либитлаб тандалаш жараёнида ўрамнинг нисбий зичлиги мавжуд тандалаш барабанида $0,23 \text{ г/см}^3$ ва модернизациялашганида $0,24 \text{ г/см}^3$ тавсия этилади.

Диссертациянинг «Тўқимада аврбанд усулида нақш ҳосил қилиш» деб номланган тўртинчи бобида аврбанд усулида нақш ҳосил қилиш ёритилган. Тўқувчиликдан олдин тўқимада аврбанд усулида ўзига хос бўлган миллий нақшларни ҳосил қилиш, бошқа тўқималарда нақш ҳосил қилиш усулидан фарқ қилади. «Хон-атлас», «Адрас», «Бекасам» туридаги аврли газламаларда «Налёжка» нуқсони тез-тез учраб туради ва бу тўқималарни рақобатбардошлигини жуда пасайтириб юборади. Бундай нуқсонни тўқимада ҳосил бўлишига асосий сабаб, либитларни аврли ажратувчи материал билан боғлашда муқобил таранглик, нисбий зичлик ва тезлик каби параметрларни муқобиллаштирилмаганидир. Бундай вазият аврбанд жараёнининг меъёрий омилларини аниқлашни тақозо этади. Шу мақсадда тадқиқот воситалари ишлаб чиқилди.

Либитларни боғлаш жараёни АПМ-2 аврбанд машинасида амалга оширилади. Аврбанд жараёнининг меъёрий омилларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар, корхона ва лаборатория шароитида либитларни боғлаш жараёнини меъёрлаштиришга имкон берадиган аврбанд машинасининг модели 4-расмда берилган. Шунингдек моделда либитни боғловчи ағдирма, тақсимлаш босқичи, муқобиллаштиришнинг ишлаши ҳам тадқиқ



1 - устун; 2 –юритгич;
3 –ўрта вал; 4, 5 - илгак;
6 - боғич; 7 –либитни

4-расм. Аврбанд машинасининг модели

15

Либитларни авр ипи билан боғлаш учун маълум муқобил таранглик зарур акс ҳолда ранглаш жараёнида либитларни дастурда кўзда тутилмаган участкаларига ранг кириб кетиши мумкин. Шу сабабли мавжуд тарангловчи қурилмада мақбул омилларни аниқлаш учун тадқиқот ўтказилган (8-расм). Аврбандчи шу қурилма ёрдамида либитларни боғлаш учун пахта ипидан ташкил топган авр ипини йўналтириб туради. Тадқиқот натижасида маълум бўлдики эластик чарм прокладка ишлаш жараёнида тезда ишдан чиқиб аввал ўрнатилган параметрни ўзгаришига олиб келади, оқибатда либитни ўраётган авр ипи ўрамининг нисбий зичлиги камаяди, бундай ҳолат тўқимада «Налёжка» нуқсонини пайдо қилиб уни навини, харидоргирлигини пасайтиради.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида либитларни боғлаш учун модернизациялашган қурилма (UZ FAP 00574) яратилган. Янги қурилма шу билан фарқланадики, қурилманинг юқори қисмидаги металл прокладкаларнинг юқори қисмига иплар таранглигини созловчи пружина ўрнатилган. Чарм прокладкаларни металл прокладкалар билан алмаштирилиши қурилмани барқарор ва узоқ муддатда ишлашини таъминлайди. Жараён учун ўрнатилган параметрлар амалда ўзгармайди.

Модернизациялашган қурилмада иплар таранглигини, тормозловчи пластинанинг оз миқдордаги ейилиши билан эластик пружина автомат равишда созлайди.

Иш ҳажмида янги тарангловчи қурилма қўлланилиб амалий тадқиқотлар ўтказилди. Иплар таранглиги ўлчаш.«Тонг-2» асбобида ва биз ишлаб чиқган замонавий патентланган қурилмада бажарилган. Турли асбобларда иплар таранглигини олдиндан ўлчаб кўриб, олинган натижалар солиштириб, ишончлилиги текширилган. Тўқимачилик саноатида тензорезисторли ўлчовчи ўзгартгичлар (ИП), иплар таранглиги миқдори ва характери ўзгаришини аниқлаш учун кенг қўлланиб келинмоқда.

Мавжуд асбобларнинг камчилиги шундаки, улар иплар таранглигини ва бошқа технологик параметрларни регистрация қилиш учун компьютер билан жиҳозланмаган, кўп майдонни эгаллайди - 2м^2 , оғирлиги - 60 кг дан ошади.Иплар таранглигини ўлчаш усули маънавий эскирган.


Юқоридаги камчиликларни ҳисобга олиб, иплар таранглиги ва бошқа технологик параметрларни юқори аниқликда ўлчашни таъминлай оладиган

замонавий қурилмани ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари қурилма енгил ва эксплуатация қилишга қулай бўлиши керак.

Мавжуд осциллограф ўрнига, қурилма ишлаб чиқилди, у иплар таранглигини регистрация қилувчи асбоб, кучайтиргич, электрон сезгич, аналог-рақамли ўзгартгич (АРЎ) ва компьютердан ташкил топган (UZ FAP 00750). Иплар таранглигини ўлчовчи электрон қурилманинг блок чизмаси 5-расмда келтирилган.

Ўлчовчи қурилмада АРЎнинг қўлланилиши иплар таранглиги осциллограммасини юқори аниқликда компьютерда олиш имконини берди.

16



- 1 - таъминловчи блок;
- 2 - кучайтиргич; 3 - тензодатчик;
- 4 – АРЎ; (Е-154 модели); 5 - компьютер;
- 6 - герконли электрон датчик;
- 7 – тишли ғилдирак;
- 8 - тиш; 9 - магнит; К - контакт

5-расм. Иплар таранглигини ўлчовчи электрон қурилманинг блок-чизмаси (Патент. UZFAP 00750)

Тарангликни ўлчаш усули қуйидагича олиб борилган.

Олдиндан беш маротаба қайтарилиб тажриба тариқасида либитларни боғлаш жараёнида авр ипининг таранглиги ўлчаб кўрилади. Мавжуд режим асосида боғланган либитлар бўялади, сўнгра либитларни боғланган участкаларини сифати текширилади. Танدا ипларида «Налёжка» нуқсони борлиги синчиклаб текширилади. Мабодо шундай нуқсон пайдо бўладиган бўлса, тажриба қайтарилиб авр ипининг таранглиги оширилади. Шундан сўнг асосий экспериментга ўтилади.


Тадқиқот натижасида авр билан либитни боғлашдаги таранглиги унинг тезлигига боғлиқлиги ўрнатилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, либитни авр

ипи билан боғлашдаги тезлиги ортиб борган сари авр ипи таранглиги ошади. Авр ипи таранглигининг ортиб бориши ўрамнинг нисбий зичлиги ошишига олиб келган. Шунинг учун тарангликни ўрамнинг нисбий зичлигига таъсирини кўриб чиқиш талаб этилган. Нисбий зичликни ПН-2 денсиметр приборида аниқланган.

Либитни боғлашда, тарангликнинг миқдорини авр ипининг ўрамини нисбий зичлигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотдан аниқландики, авр ипи таранглигининг ортиб бориши либитдаги ипларни нисбий зичлигига катта таъсир кўрсатади (6-расм). График таҳлили шуни кўрсатдики, либитни авр ипи билан боғлашда ўрамнинг максимал ва минимал нисбий зичлиги мос, таранглик 80 Н бўлади.

17

Тўқима сифатига ўрамнинг нисбий зичлиги таъсирини аниқлаш учун ҳар бири 300 м. дан бешта танда (1-жадвал) кузатилди. Биринчи жадвал ва олтинчи расмлар таҳлилидан авр ипининг таранглиги 62-66 Н, ўрам нисбий зичлиги 0,62-0,65 г/см³ бўлганда тўқимада «Налёжка» нуқсони кузатилган.



6-расм. Либитни боғлашда авр ипининг таранглигини ўрамнинг нисбий зичлигига боғлиқлиги графиги

Ўрамнинг нисбий зичлиги 0,71-0,73 г/см³ да нуқсон камайган, бироқ бу ҳолатда ҳам биринчи навли тўқима миқдори камайган. Биринчи навли тўқимани авр ипини тезлиги 2,2-2,3 м/мин, таранглиги 74-75 Н, ўрам нисбий зичлиги 0,74-0,76 г/см³ да, боғланган либит диаметри 32 мм ва авр ипининг диаметри 6 мм бўлганда олинган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, либитни авр ипи билан боғлашда унинг таранглиги, ўрамнинг нисбий зичлиги ва бошқа технологик параметрлар назарий жиҳатдан кўриб чиқилмаган.

Аврбанд жараёнини параметрларини аниқлашнинг ўзига хосликлари мавжуд, уни аниқлаш бугунги кунда долзарб масаладир.

1-жадвал

Ўрам нисбий зичлигини тўқима сифатига таъсири

Нисбийзичлик г/см ³	Тўқилган тўқима	Тўқима нави		
		1 нав	2 нав	3 нав
0,62	300	-	215	85
0,63	300	-	260	40
0,71	300	260	40	
0,74	300	300	-	-
0,80	300	300	-	-


18

7а-расм да либит ва авр ипини тахтлаш чизмасини ҳисоб чизмаси; 7бда А-А бўйича кесими келтирилган. Либит K_d кучлар билан икки томони дан ториб қўйилган ва маълум бурчак (ω) тезлигида айланади.

Авр ипини тарангловчиқурилма йўналтирувчисиданўтишдаги таранглигинианиқлаш ҳисоб чизмаси 8-расмда келтирилган. Агар авр ипининг таранглиги йўналтирувчига F_b маълум бўлса, ундан кейинги тарангликни Эйлер формуласи ёрдамида аниқлаш мумкин. Авр ипининг таранглиги тарангловчи асбоб ва иккинчи йўналтирувчидан сўнг:

$$F_a = F_b \cdot \left(\frac{1}{2} + \frac{1}{2} \right)^2 + 2P \cdot \left(\frac{1}{2} + \frac{1}{2} \right) + F_{av} \cdot \left(\frac{1}{2} + \frac{1}{2} \right)^2, \quad (3)$$

бунда: P –авр ипига тормозловчи прокладканинг босим кучи;
[коэффициентни.




F_1, F_2, F_3 —авр ипини таранглиги;
 P –босим кучи;
 F_a - либит таранглиги

7-расм. а) Либит ва авр ипини тахтлаш ҳисоб чизмаси;
б) А-А бўйича кесими


Авр ипининг таранглик кучи, либит ипларида босим кучи ҳосил қилади, яъни либитда сиқиш кучи содир бўлади.

Агар ипни участкасини, яъни дастур бўйича авр ипи билан либитни боғланаётган қисмини цилинрик шакл деб қаралса, унинг сиртида босим кучи содир бўлади. 9 -расмда авр ипи боғланган участкасидаги либит кесими чизмаси келтирилган.



1 - авр ипи; 2 - тарангловчи қурилма
йўналтирувчиси.

8-расм. Авр ипини тарангловчи



1 - либитни боғловчи авр ипи; 2 - либит.

9-расм. Авр ипи боғланган
участкасидаги либит кесими чизмаси

19

қурилма йўналтирувчисидан
ўтишдаги таранглигини
аниқлаш ҳисоб чизмаси

7-расмда: R – либитни авр ипи билан боғлашгача бўлган радиуси, R_2 – боғлашдан кейинги радиуси; h – либитни авр ипи билан боғлашдан олдинги участкасининг узунлиги; h_1 – либитни боғлашдан кейинги участкаси узунлиги; v – либит ўрамининг боғлашдан олдинги ҳажми; v_1 – либит ўрамининг боғлашдан кейинги ҳажми.

Нисбий зичликни аниқлаш учун дастлаб либитни авр ипи билан боғлашдан олдин ва кейинги ҳажми топилади:

$$v = \pi R^2 h; v_1 = \pi R^2 h_1. (4)$$

Авр ипи билан боғлангандан сўнг ўрамнинг нисбий

$$\text{зичлиги: } \pi_1 = \frac{\pi R^2 h}{\pi R^2 h_1} = \frac{h}{h_1}$$

$$\begin{aligned} \diamond \diamond_1 &= \diamond \diamond \cdot \diamond \diamond & R^2 h_1(5) \\ \diamond \diamond R^2 h_1 &= \diamond \diamond \cdot \diamond \diamond^2 h \end{aligned}$$

Назарий-амалий тадқиқотлар натижасида ушбу ишда, либитни боғлашда тезлик 2,2-2,3 м/мин, авр ипининг таранглиги 74-75 Н, ўрам зичлиги 0,74-0,76 г/см³ бўлганда тўқимада «Налёжка» бартараф этилиши аниқланди.

Диссертациянинг «Тўқувчилик жараёнида аврли газламаларни муқобил параметрларини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида аврли газламаларни тўқув дастгоҳида тўқиш учун муқобил технологик параметрларини ишлаб чиқиш келтирилган. Тўқув дастгоҳининг асосий параметрлари ва тўқиманинг тузилиши танда ва арқоқ ипларининг таранглиги билан боғлиқ. Тарангликнинг ошиши ёки камайиши ипларнинг узилишини кўпайиши ва тўқиманинг сифатини пасайишига олиб келади «Хон-атлас» тўқимасининг шаклланиш жараёнида унинг танда ипларини зўриқиши хомуза ҳосил қилишда жуда ошиб кетади. Шунинг учун хомуза ҳосил қилиш жараёнида ипларнинг таранглиги тўғрисида тадқиқот олиб борилган.

Ишда якка ва гуруҳ иплари таранглигини ва бош вал, шода, батан ҳолатини ўлчаш учун асбоб ва сезгичлар ишлаб чиқиб қўлланилган. Иплар таранглиги мокили ва мокисиз дастгоҳларда ўлчанди.

Мокисиз дастгоҳда «Хон-атлас» арт.30 аврли тўқимани танда ипларини таранглигини тадқиқот қилиш учун икки вариантда тензо датчикларга ипларни тахтлаш қўлланилган:

I – тензодатчикларга ҳарбир шодадан 10 тадан иплар тахтланди, жами 50 та, $F_{гр.}$; II- якка ипни тахтлаш $F_{як.}$

Танда ипларини тўқима эни бўйича таранглиги ҳар хил эканлиги тадқиқот натижасига кўра аниқланди. Шунинг учун либитлар эни бўйича унинг четидан бошлаб 5 нуктада тенг қисмларга бўлиб якка танда иплари таранглиги ўлчанган. Жами 5 та либит ўлчанган. Либитни тахтлаш эни

20

бўйича 20 та дастгоҳ хомуза ҳосил қилиш даври ёзиб олинган. Тарангликни тўрта асосий характерли даражаси бўйича осциллограммага ишлов берилган: $F_{тах.}$ - тахтлаш таранглиги (заступдаги таранглик); $F_{х.алмаш.}$ - хомуза алмашишида зарб пайтидаги таранглик; $F_{пр.в.р.}$ - шода тўхтаб турган ҳолатда зарб беришдаги таранглик; $F_{хом.}$ - хомуза ҳосил қилишдаги таранглик.

Тажриба натижаларига ишлов беришда кескин фарқ қилувчи қийматлар Смирнов-Граф мезони бўйича текширилган. Вариация коэффиценти ва ўртача қийматларнинг ишончлилиқ хатоси мос равишда 1,193 ва 0,865% дан ошмаган.

Тажрибадан олинган натижаларга кўра либитлар эни бўйича таранглик ҳар хил ва ўрта қисмига нисбатан четида юқори. Либитни ўрта қисмига нисбатан четидаги танда ипларининг таранглигини ошиш миқдори: тахтлаш

таранглиги - 2,5 баробарни; хомузани алмашиш пайтидаги зарба 2,8 баробарни; шодани тўхтаб туришдаги зарба 3,7 баробарни; хомуза ҳосил қилишда эса 3,4 баробарни ташкил этади.

Хомуза ҳосил қилиш жараёнида танда ипларининг таранглигини тенглаштириш мақсадида шода, гўла ва танда ипларининг ҳаракати тадқиқ этилган. Ўтказилган тадқиқотларга кўра хомуза ҳосил қилиш механизми конструкциясига қайишқоқ элемент ўрнатилиши, созлаш имконини, яъни ипларни таранглигига мувофиқ равишда ҳаракат қонуниятини ўзгартиради, натижада ипларни узилиши камаяди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифати ошади.

Ишда шода, танда иплари ҳаракати тўғрисида маълумот берувчи, ипни ва қайишқоқ элементни бириклик коэффицентларини ҳисобга олувчи аналитик тенглама олиш вазифаси кўриб чиқилган.

Назарий тадқиқотлар натижасида шоданинг ҳар қандай ҳолатида гула ва танда ипини ҳаракати тўғрисида маълумот берувчи, танда ва қайишқоқ элементни бириклик коэффицентларини ҳисобга олувчи дифференциал тенглама ва унинг ечими олинган.

Шодани ҳаракатини бошланиш вақтини $t_0 = 0$ деб олсак, ечим қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$2m \ddot{x}^2 [\ddot{x}^2 + 2\ddot{x}^2 - 2\ddot{x}^2] - g \ddot{x}^2 (1 - \ddot{x}^2), \quad (6)$$

бунда: t – ипнинг заступ ҳолатдаги, вақт моменти;

$\ddot{x}$ – қайишқоқ элементни деформацияланишини тўлиқ тугаши

вақти; $\ddot{x}^2 = (K_1 + K_0) / m$, сек.⁻¹; $c^2 = K_1 / m$;

K_0 – танда ипининг бириклик коэффиценти;

K_1 – қайишқоқ элементнинг бириклик коэффиценти;

m – гуланинг массаси, г.

Биринчи участкада ипнинг ҳаракати (6) формула ёрдамида аниқланади, мм:

